


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 9 октябрь, № 198 (5618) Сешанба


# Ўзбек футболининг ёрқин истиқболи



*Футбол бўйича Эронда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Нуфузли мусобақада ажойиб ўйинлари билан барчамизга кўтаринки кайфият, қувонч ва алоҳида фахр бахш этган спортчиларимиз “Тошкент” халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди. Катта байрамга айланган маросимда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, футбол жамоатчилиги, журналистлар, ота-оналар ҳамда мухлислар жам бўлди.*

## Ифтихор

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт! Бу қутлуғ каломда болажон элимизнинг ўз ўғил-қизларига қанчалик меҳрибонлиги, келажак авлодни вояга етказишдаги улкан масъулияти мужассам. Ўзбек фарзанди истеъдод ва маҳорат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Буюк бобокалонлари, оқила момоларидан мерос бўлиб келаётган улкан маданий ҳамда илмий жавоҳирлар, Ватан шаъну шавкатини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш каби беқиёс қадриятлар ҳар бир юракда мурғакликданоқ қуёш бўлиб порлайди. Қадамларга шахдамлик, орзу-интилишларга қанот бағишлайди.

Мамлакатимизда таълим-тарбия, маънавият, спорт соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар шу интилишларни қўллаб-қувватлашга, янги-янги истеъдодларни юзага чиқаришга, пировардида буюк Ўзбекистонимизга муносиб авлодни шакллантиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Биласиз, республикамизда барча спорт турлари қатори футбол ҳам жадал ривожланиб бораяпти. Ёш авлоднинг мазкур спорт тури билан шуғулланиши учун янада қулай шарт-шароит яратиш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчилар тайёрлашни таъминлаш мақсадида қатор ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан, Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилган бўлиб, у болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

(Давоми 2-бетда).

## «Олтин Гепард — 2012»

*Пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида “Олтин Гепард” иккинчи халқаро Тошкент кинофорумининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Хабарингиз бор, “Art Week Style.uz” санъат ҳафталиги доирасидаги мазкур нуфузли тадбир “Фонд Форум” ҳамда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилиб, юксак савияда ўтказилди.*

### Халқаро кинофорум:

# Унутилмас лаҳзалар завқи

Кинофорумда Осиё, Европа, Африка, Жанубий ва Шимолий Америка давлатларидан таниқли режиссёр ва актёрлар, продюсерлар ҳамда санъатшунос мутахассислар иштирок этишди. Унда тўлиқ ва қисқа метражли, бадиий ҳамда анимацион фильмлар танлови уюштирилиб, ушбу киноасарлар жаҳоннинг таниқли санъаткорларидан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра баҳоланди. Шунингдек, тадбир доирасида танловдан ташқари карtиналар намойиши, дебютант режиссёрлар фильмларининг тақдимоти, илмий анжуманлар, маҳорат дарслари, гала-намойишлар, ижодий учрашув ва брифинглар ҳам бўлиб ўтди.

— Кинофорумда “Сандиқ” деб номланган қисқа метражли фильмим билан қатнашдим, — дейди ёш режиссёр Сабина Сагадеева. — Миллий ва умуминсоний қадриятлар мавзуидаги ушбу картина намойишидан сўнг кўпгина илиқ фикр-мулоҳазалар билдирилганидан бениҳоя хурсандман. Анжуман давомида Озарбайжон, Россия, Украина, Польша, Эрон давлатлари вакилларининг чуқур фалсафий ғояларга қурилган муаллифлик асарларини катта қизиқиш билан томоша қилдим. Ушбу фильмлар ижодкорлари билан яқиндан танишиб, ўзаро фикр алмашиш, биргаликда маҳорат дарсларида қатнашиш жараёнида ижодий дунёқарашимни янада бойитишга муваффақ бўлдим.

— Халқаро кинофорум эркин ва очиқ мулоқотларга бой бўлди, энг муҳими, ушбу тадбир доирасидаги ижодий танловда иштирок этган ҳар бир киноасар ўзига хослиги, инсон руҳиятига ижобий таъсир ўтказа олиши билан кўпчиликнинг эътиборини тортди, — дейди “Олтин Гепард” иккинчи халқаро Тошкент кинофорумининг тўлиқ метражли фильмлар бўйича ҳакамлар ҳайъати раиси Ник Пауэлл.

(Давоми 4-бетда).

# «Саломатлик» поезди Оролбўйида

*“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг “Саломатлик поезди” Қорақалпоғистон Республикасида ўз фаолиятини бошлади.*

## Мурувват

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу мурувват тадбири давомида Оролбўйи минтақасида яшовчи аҳолининг кам таъминланган қатлами, аёллар ва болаларни малакали тиббий текширувдан ўтказиш белгиланган.

Тадбир давомида, шунингдек, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ўқув муассасаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи давра суҳбатлари, учрашувлар уюштирилади. Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали амбуланс машинаси орқали ҳудуддаги барча Меҳрибонлик ва Саховат уйлари, шифохоналар ҳамда махсус мактаб-интернатларга мурувват ёрдамларини топшириш ҳам режалаштирилган.

**А. ЭРГАШЕВ.**

## КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Тадқиқот маркази томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан биргаликда “Суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаш: суднинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш” мавзуида халқаро семинар-тренинг ўтказилди.*

# Суд ҳокимияти мустақиллигининг муҳим шарти

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ўрганиш ҳамда унда белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси доирасида ташкил этилган семинарда Германия, Франция, Япония давлатларидан келган экспертлар, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Омбудсман ва Республика юристлар малакасини ошириш маркази вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Эътироф этилганидек, Концепцияда суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қила оладиган мустақил давлат институти сифатида шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳамда истиқболдаги устувор вазифалар ҳар жиҳатдан асослаб берилган. Унда, аввало, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш борасидаги ишлар ҳамда қўлга киритилган натижалар таҳлил этилган.

Дарҳақиқат, 2000 йил 14 декабрда “Судлар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилингач, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, судлар ижро ҳокимияти тизимидан чиқарилди, судьялик лавозимига номзод танлаш тамойили тубдан янгиланди.

2001 йили “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши эса суд-ҳуқуқ ислоҳотларида янги босқични бошлаб берди. Яъни жиноятлар таснифи ўзгартирилиб, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан яхши хабардорман, — дейди Берлин-Бранденбург Олий маъмурий суди раиси Юрген Кипп. — Айниқса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилаётгани, хусусан, иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкция қўлланилаётгани эътирофга лойиқ.

(Давоми 2-бетда).

# Мамлакатимизда:

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Навоий

*Навоий кон-металлургия комбинатида тоғкон транспорт воситаларини бошқаришда навигация технологиясидан фойдаланила бошланди.*

## Сунъий йўлдош орқали бошқарилади

Мазкур тизим сунъий йўлдош орқали қудратли юк машиналарининг тўғри ҳаракатланишини ҳамда белгиланган манзилга тоғ ёки чўл шароитида ҳам адашмасдан етиб боришини кафолатлайди.

Эътиборлиси, сўнгги икки йил давомида ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли биргина Шимолий кон бошқармасида 300 миллион сўмлик ёнилғи-мойлаш материаллари тежалишига эришилди.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Фарғона

*Риштон туманидаги “Simax F-Z LTD” хусусий корхонаси фаолият кўрсатаётганига эндигина уч йил бўлганига қарамасдан, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлар эътиборига тушиб улгурди.*

## Харидорлар эътиборига тушди

Хусусан, Яқинда “Simax F-Z LTD” чинни буюмлари бош қароргоҳи Нью-Йоркда жойлашган Халқаро сифат ассоциацияси экспертлари томонидан ҳам эътироф этилгани фикримиз тасдиғидир. Корхона номи мазкур ташкилотнинг олтин китобига ёзиб қўйилди ҳамда “Халқаро сифат саммити олтин мукофоти”га лойиқ, деб топилди.

Айни пайтда бу ерда юз турдан ортиқ чинни маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, уларнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Самарқанд

*Кунгабоқар ёғи инсон саломатлиги учун зарур моддаларга бойлиги фанда исботланган. Шу боис ундан турли таом ва егуликларни тайёрлашда кенг фойдаланилади.*

## Оқдарёнинг янги корхонаси

Оқдарё туманида фаолият бошлаган “Samarqand oil ekstraksiya” масъулияти чекланган жамиятида ҳам ана шу турдаги маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди. Илғор технологик ускуналар билан таъминланган корхонага ёшлардан 40 нафари ишга қабул қилинди. Ҳозир бу ерда кунига 20-22 тонна кунгабоқар ёғи ишлаб чиқарилиб, савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

Корхона раҳбари Алоуддин Аҳмедовнинг таъкидлашича, бу ерга ўрнатилган замонавий дастгоҳлар “Samarqand oil ekstraksiya” маҳсулотларининг хорижда ҳам харидоргир бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сурхондарё

*Денов туманидаги “Шашмохкашоб” агросаноат корхонаси томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган 1000 тонналик сиғимга эга музлатиш камераси бунёд этилди.*

## Ҳудудий дастур асосида

Мазкур лойиҳа банк томонидан ажратилган 630 миллион сўмлик кредит эвазига амалга оширилди. Айни пайтда агросаноат фирмаси жамоаси йиғиб-териб олинган кузги ҳосилни жамғаришга киришганлар. Бу ерда сақланаётган маҳсулотлар экспортга ҳам чиқарилиши кўзда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, вилоятда жорий йилда манзилли ҳудудий дастурга мувофиқ, 4 минг тонналик яна 6 та ана шундай омборхона ишга туширилади.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ОШМОҚДА

***2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизда ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 19,4 фоиз ўсди.***

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, меҳнат ҳақи тўлаш бўйича Ягона тариф сеткасида нуль разрядининг бекор қилиниши ҳамда республиканинг барча ташкилотларида биринчи разряддан кам бўлмаган миқдорда меҳнат ҳақи тўлаш белгиланишининг рағбатлантирувчи таъсири натижасида ўртача ойлик иш ҳақи ва аҳоли умумий даромади юқори суръатда ўсиши таъминланди.

# Ўзбек футболининг ёрқин истиқболи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги “2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, футбол бўйича мактаб-интернатлар, болалар ва ўсмирлар мактаблари, профессионал футбол клублари ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнини яхшилаш, футболчилар, тренерлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малакасини ошириш, стадионлар қуриш, мавжудларини талаб даражасида таъмирлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар ўз самараларини ҳам бераяпти. Масалан, ўтган йили ўсмирлар терма жамоамиз Мексикада ташкил этилган жаҳон чемпионатида кучли саккиз жамоа сафидан жой олди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси эса МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасида икки бор жаҳон чемпионатида қатнашган ягона жамоа бўлди.

Таъкидлаш жоиз, футбол бўйича ўтказиладиган қитъа чемпионатида иштирок этишнинг ўзи катта бир муваффақиятдир. Эътибор беринг, Осиёда дунё аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи, аниқроғи, 4 миллиард 200 миллиондан зиёд киши истиқомат қилади. ОФКга 50 га яқин давлат аъзо. Гап шундаки, ўсмирларимиз эришган ғалабанинг аҳамияти нақадар юксак эканини айнан ушбу рақамлар орқали ҳам янада яққолроқ тасаввур қилиш мумкин.

Келинг, энди бевосита биз учун тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу қитъа чемпионати тафсилотларига батафсилроқ тўхталсак. Мусобақанинг саралаш баҳсларида 37 та терма жамоа иштирок этди. Улар орасидан энг юқори натижа кўрсатган 16 давлат вакиллари ҳал қилувчи финал босқичига йўл олди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ана шу имкониятни Тошкентда Ҳиндистон, Баҳрайн, Тожикистон ва Қирғизистон терма жамоаларига қарши ўтказилган ўйин натижаларига кўра қўлга киритган эди.




Эронда ташкил этилган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз “D” гуруҳида кураш олиб борди. Дастлабки турда Ҳиндистон футболчиларини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратган вакилларимиз кейинги баҳсда хитойлик тенгқурлари билан дуранг ўйнашди. Гуруҳдаги сўнгги учрашувда эса сурияликларга кичик ҳисобда имконият бой берилди. Шундай бўлса-да, керакли очкони жамғара олган футболчиларимиз чорак финал йўлланмасини қўлга киритишди. Ушбу босқичда улар қитъанинг энг кучли терма жамоаларидан бири — Жанубий Корея футболчиларини доғда қолдириб, ярим финалга чиқиш билан бирга, кейинги йили Бирлашган Араб Амирликлари мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионати йўлланмасини нақд қилиб қўйишди.

Очиғи, ярим финалдан олдин кўпчилик мухлису мутахассислар финалга чемпионат мезбони — Эрон ўсмирлар терма жамоаси чиқса керак, дея тахмин билдирганди. Чунки улар чорак финалда Австралия вакилларини йирик — 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратишганди. Аммо бу футболчиларимиз руҳиятига асло таъсир ўтказгани йўқ. Муросасиз ва кескин кечган ярим финалда ҳамюртларимиз эронликлар устидан 3:2 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Финалда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси японияликларга рўбарў келди. Ўйиннинг асосий вақтида 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди. Шу боис ғолиб номи пенальтилар сериясида аниқланди. Унда 3:1 ҳисобида устунлик қилган футболчиларимиз илк маротаба Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

— Бу муваффақият мамлакатимизда футбол ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғи бўлди, — дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Дилшод Нуралиев. — Эндиги мақсадимиз — жаҳон чемпионатида ҳам юқори ўринларни қўлга киритиш. Шу ўринда юртимизда футболни тараққий эттиришга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимиз раҳбарига чексиз миннатдорлик билдирамиз. Чунки мусобақага тайёргарлик кўришимиз учун бизга зарур барча шарт-шароит яратиб берилди. Хусусан, бир қатор хориж мамлакатларида ўқув-йиғин машғулотларини ўтказдик. Ўртоқлик учрашувларида майдонга тушиб, маҳоратимизни оширдик. Булар ютуғимизнинг муҳим омили бўлди.

— Эрондаги мусобақада Президентимизнинг “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз”, деган сўзлари бизга куч-қувват бағишлаб турди, — дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси дарвозабони Сарвар Каримов. — Насиб қилса, жаҳон чемпионатида ҳам муносиб иштирок этиб, юртимиз довруғини оширишга ҳисса қўшамиз.

Муҳими, мазкур мусобақа орқали ўзбек футболи тарихида янги саҳифа очилди. Ниятимиз, у ёшлар ва миллий терма жамоамиз ғалабалари билан янада бойийверсин.

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасини кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов иштирок этди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Биз ва жаҳон

*Яқинда Ўзбекистоннинг Италиядаги элчихонасида мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали қабул маросими бўлиб ўтди. Унда Италиянинг ижтимоий-сиёсий, академик ва ишбилармон доиралари вакиллари ҳамда Римда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари қатнашди.*

# «Ўзбекистон дунёнинг кўплаб давлатлари ишбилармонлари учун жозибадор мамлакатдир»

**Римда Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган қабул маросимида бу яна бир бор эътироф этилди.**

Тадбирда Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар ҳамда уларнинг кенг кўламли самаралари тўғрисидаги атрофлича маълумотлар маросим иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди. Бунда мамлакатимизнинг бой сармоявий салоҳияти, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва “Ангрен” махсус индустриал зонасида хорижлик шериклар учун яратилган қулай шарт-шароитларга алоҳида урғу берилди.

Қабул маросими қатнашчилари қутлуғ сана муносабати билан Ўзбекистон халқига ўзларининг илиқ ва самимий тилакларини билдириб, мамлакатимиз 21 йиллик мустақил тараққиёти давомида жамият ҳаётининг барча соҳаларида юксак натижаларга эришганини эътироф этдилар. Шунингдек, тадбир меҳмонларининг фикрича, Ўзбекистон халқаро шериклик, минтақадаги тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш борасида ҳам фаол ва изчил саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Хусусан, **Италия парламентининг депутати А. Гилья** таъкидлаганидек, Ўзбекистон истиқлол йилларида кўплаб соҳаларда салмоқли муваффақиятларни қўлга киритди. Қолаверса, жорий йилнинг июнь ойида Италия ва Ўзбекистон парламентлари ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши ҳар икки мамлакатнинг турли йўналишларда ўзаро яқин ҳамкорликдан манфаатдор эканлигини тасдиқлайди.

Унинг айтишича, Италия парламенти аъзолари ва бизнес соҳаси вакилларидан иборат делегациянинг Тошкентга ташрифи чоғидаги тадбирлар юқори даражада ташкил этилгани ҳамда Ўзбекистон — Италия бизнес-анжуманининг ўтказилгани Ўзбекистон томонидан Италия билан кўп қиррали муносабатларга қаратилаётган алоҳида эътибордан далолат беради.

**Геосиёсий тадқиқотлар ва амалий фанлар институти директори Т. Грациани** тарихан қисқа муддат мобайнида Ўзбекистон минтақанинг муҳим давлати ва у ердаги барқарорликнинг кафолатига айланганини қайд этди. “Бундан ташқари, мамлакатингизнинг иқтисодий салоҳияти ва бизнес учун яратилган шарт-шароитлар ҳисобга олинар экан, Ўзбекистон бозори кўплаб мамлакатлар, жумладан, Италия ишбилармонлари учун ҳам жозибадор ҳисобланади”, деди у.

**Италия Иқтисодий тараққиёт вазирлигининг дипломатик маслаҳатчиси Д. Манчини**нинг фикр билдиришича, Ўзбекистон ҳукумати мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш борасида том маънодаги амалий саъй-ҳаракатларни рўёбга чиқармоқда. “Республикангиз бозори ва сармоявий салоҳияти ишбилармон доиралар вакилларининг эътиборида, шу боис италиялик тадбиркорлар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликка тобора кўпроқ қизиқиш билдирмоқда”, деди у.

**Италия Ташқи ишлар вазирлигининг Протокол хизмати бошлиғи С. Ронка** ўз мамлакати ташқи сиёсат маҳкамаси ходимларининг табрикларини етказар экан, вазирлик раҳбарияти минтақадаги барқарорликни таъминлаб турган Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

Ўз навбатида, **“Италия — Ўзбекистон” савдо палатаси президенти Л. Иперти** Ўзбекистоннинг жадал иқтисодий тараққиёти ҳамда мамлакат ҳукумати томонидан хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар янада яқин иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор бўлган италиялик тадбиркорларни ўзига тобора кўпроқ жалб этаётганини айтди.

Қатор сайёҳлик компаниялари раҳбарларининг мулоҳазасига кўра, Буюк Ипак йўлида жойлашган ва кўплаб тарихий ёдгорликлар ҳамда жадал ривожланаётган сайёҳлик индустриясига эга бўлган Ўзбекистоннинг Италия жамоатчилиги орасидаги мавқеи йил сайин ошиб бормоқда.

Римда бўлиб ўтган мазкур тантанали маросим доирасида ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотлари кўргазмаси ҳам уюштирилди. Тадбир доирасида намойиш этилган, республикамизнинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар ҳам тадбир қатнашчиларида улкан таассурот қолдирди.

**«Жаҳон» АА.**
Рим

## Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

● АНДИЖОН вилояти ўлкашунослик музейида “Ўзбекистон — аҳил оила” номли фотокўргазма ўтказилди. Унда намойиш этилаётган суратларда ҳудуддаги қатор маданий марказлар фаолияти, турли миллат ҳамда элатлар вакиллари ўртасидаги дўстлик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳити акс эттирилган.

● **НУРОТАлик тадбиркор Фарида Назарова болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Олмос либослари” хусусий корхонасини ташкил қилди. Мазкур лойиҳа банк кредити ҳисобидан молиялаштирилди.**

● ТЎРАҚЎРҒОН туманининг Гулистон маҳалласида замонавий маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Лойиҳа ижросида ўз сармояси билан қатнашган маҳаллий тадбиркорлар бу ерда бир қатор савдо дўконлари билан бирга, пойабзал таъмирлаш устахонаси, сартарошхона ва алоқа хизмати шохобчаларини ҳам ишга туширдилар.

● **ҚЎҚОН шаҳар марказий шифохонасида кенг кўламли реконструкция тадбирлари амалга оширилди. Шунингдек, ушбу муассаса замонавий тиббиёт жиҳозлари билан ҳам таъминланди. Бунёдкорлик ишларига 3,4 миллиард сўм сарфланди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Мустаҳкам оила — жамият таянчи

*Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги томонидан оила қонунчилигини такомиллаштириш масаласига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

## Анжуман

Маълумки, мамлакатимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир. Айниқса, оила муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари такомиллаштириб борилаётгани, шубҳасиз, жамиятда мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Қайд этиш жоизки, айни пайтда судлар, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек, ФҲДЁ органлари фаолиятида синовдан ўтган ва ўзлаштирилган кўп йиллик тажриба Оила кодексида ўз ифодасини топган. Мазкур ҳужжатда биринчи марта никоҳ шартномаси институти, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши, қон-қардошлик, болаларнинг насл-насабини белгилаш, алимент тўлаш тўғрисидаги мажбуриятлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби бир қатор муҳим қоидалар мужассамлаштирилган.

Матбуот анжуманида адлия органлари томонидан оила қонунчилигини такомиллаштириш йўналишида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Таъкидланганидек, оила қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида Адлия вазирлигида тегишли вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат эксперт гуруҳи тузилиб, бу борадаги миллий ҳуқуқий база таҳлил қилинди. Натижада “Оила институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Оила кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатлар “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида тайёрланди.

Матбуот анжуманида ёш оилаларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида ФҲДЁ органлари қошида ташкил этилган “Ёш оила қурувчилар мактаби” томонидан олиб борилаётган ишлар айтиб ўтилди. Шунингдек, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш, унинг жамиятдаги нуфузини ошириш ҳамда аҳамиятини ёшларга атрофлича тушунтириш, бунда оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш самаралари ҳам атрофлича муҳокама этилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Суд ҳокимияти мустақиллигининг муҳим шарти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Жиноят кодексининг бир қатор моддаларига етказилган моддий зарар ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилган. Бу муҳим воқеа. Шундай ишлардан яна бири ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига ярашув институти жорий этилишидир. Буларнинг барчаси суд-ҳуқуқ ислоҳотлари миллий қадриятларингиз ва умуминсоний тамойилларга нечоғли мос эканлигини кўрсатиб турибди.

Иштирокчилар томонидан суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида суд ишларини соддалаштиришга ҳам катта эътибор қаратилаётгани айтиб ўтилди. Хусусан, Жиноят-процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш киритилиб, ишни апелляция инстанциясида кўриб чиқиш тартиби йўлга қўйилди. Ушбу институт жорий этилиши билан апелляция инстанцияси суд қарорини бекор қилиб, ишни бошқатдан кўриш учун юбормасдан, янги ҳал қилув қарори қабул қилишдек процессуал ҳуқуққа эга бўлди.

— Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида бой тажриба тўпланган, — дейди Франция Республикаси Давлат Кенгаши аъзоси Стефани Гаргулло. — Жумладан, судларнинг жиноят, хўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштирилгани суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганини эътироф қилиш лозим. Юртингизда бу борада тўпланган тажрибани ўрганиш биз, шу жумладан, Европа Иттифоқига аъзо бошқа давлатлар учун ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Қизғин мулоҳазаларга бой тарзда ўтган тадбирда Концепция асосида ишлаб чиқилиб, яқинда кучга кирган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва ҳозирги ислоҳотлар жараёнидаги аҳамияти хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, бу ҳужжат суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилгани эътироф этилди.

— Ушбу Қонун билан “Прокуратура тўғрисида”ги ва “Судлар тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодексларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, — дейди Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази директорининг ўринбосари Мухтор Ҳакимов. — Жумладан, судга қадар иш юритиш босқичида прокурор ва терговчи томонидан қўлланиб келинган айбланувчини лавозимидан четлатиш ҳамда шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судья санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий этилди. Бундай чорани қўллаш учун асос етарли бўлган ҳолларда прокурор, терговчи процессуал мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради ва уни прокурор судга юборади. Эътиборлиси, илтимоснома жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан якка тартибда, ёпиқ суд мажлисида материал келиб тушган пайтдан эътиборан 48 соат ичида кўриб чиқилади. Қонунга мувофиқ, айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳам суд ихтиёрига берилди. Булар, ўз навбатида, суд ҳокимияти мустақиллигини тўла кафолатлаш баробарида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгроқ таъминлаш имконини бериши, шубҳасиз.

Анжуманда Президентимизнинг шу йил 2 августда қабул қилинган “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазмун-моҳияти, унинг соҳа ислоҳотларидаги аҳамияти ҳам кенг таҳлил этилди. Зеро, ушбу ҳужжат суд ишларини мустақил юритиш, суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларни кучайтириш билан бирга, судьялар зиммасидаги масъулиятни янада оширишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

— Юртбошимизнинг мазкур Фармони суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши табиий, — дейди Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази бўлим бошлиғи Азиз Мирзаев. — Унда судьяликка биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази, Олий суд ва Олий хўжалик судида тайёргарлик ва стажировка ўташи, шунингдек, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ҳам кўзда тутилган. Нега деганда, малакали кадр ва замонавий технологиялар одил судловни амалга оширишда муҳим ўрин тутади. Халқаро экспертлар ҳам буни алоҳида эътироф этишди.

— Ўзбекистон Президентининг “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан танишарканман, юртингизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан ҳақли равишда жой эгаллаётгани бежиз эмаслигига яна бир бор иқрор бўлдим, — дейди Германия халқаро ҳамкорлик жамияти дастури раҳбари Йорг Пуделька. — Чунки унда суд органларининг давлат бошқарувидаги ўрнини янада оширишни таъминлаш, мустақил суд иш юритуви учун ҳуқуқий, ижтимоий кафолатни кучайтириш ҳамда суд органлари ходимлари ижтимоий мавқеини ҳимоя қилиш каби масалалар қамраб олинган. Буларнинг барчаси суд ҳокимияти мустақиллигини янада кенгроқ таъминлаш имконини беришига ишонаман.

Тадбирда суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ галдаги вазифалар ҳамда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар, хусусан, Германия ва Франциянинг бу борадаги тажрибаси чуқур таҳлил этилди.

Семинарда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

### очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**«Capital Realtor Group» МЧЖда 2012 йил 25 октябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**I.** Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,2 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.
***Бошланғич нархи — 355 817 000 сўм.***
**2.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 517,0 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.
***Бошланғич нархи — 156 925 000 сўм.***
**3.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 501,0 кв.м. бўлган, 5 та хонадан иборат пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.
***Бошланғич нархи — 362 031 000 сўм.***
**4.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Подшобоғ кўчаси, 61-63-уйларда жойлашган, умумий майдони 1090,0 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган 2 қаватли уй-жой.
***Бошланғич нархи — 1 900 129 000 сўм.***
**5.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 794,0 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.
***Бошланғич нархи — 280 707 000 сўм.***
**6.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 382-уйда жойлашган, умумий майдони 817,0 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.
***Бошланғич нархи — 348 190 000 сўм.***
**7.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Муса Жалил 1-тор кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий майдони 351,0 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.
***Бошланғич нархи — 322 729 000 сўм.***
**8.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-1 мавзеси, 21-уй, 17-хонадонда жойлашган, умумий майдони 41,42 кв.м. бўлган уй-жой.
***Бошланғич нархи — 46 424 000 сўм.***
**9.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 12-уйда жойлашган, умумий майдони 329,0 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.
***Бошланғич нархи — 185 948 000 сўм.***
**10.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирҳосилбой 1-тор кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий майдони 336,0 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.
***Бошланғич нархи — 315 873 000 сўм.***
**11.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирҳосилбой кўчаси, 20-уйда жойлашган, умумий майдони 341,1 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.
***Бошланғич нархи — 353 568 000 сўм.***
**12.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шалола кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 454,0 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.
***Бошланғич нархи — 202 844 000 сўм.***
**13.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 1-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 255 151 000 сўм.***
**14.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 2-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 253 586 000 сўм.***
**15.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 3-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 259 715 000 сўм.***
